O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 25 апрель, № 80 (4233) Чоршанба

Мактабга эътибор — келажакка эътибор



Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақшга ўхшайди. Бу бежиз эмас. Зеро, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига қанчалик жиддий эътибор қаратсак, унинг натижаси ҳам шунчалик барвақт кўзга ташланади. Мамлакатимиз таълим тизимида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида, аввало, ана шу фалсафа мужассам.



КЎЗИМИЗ ҚАРОҒИ АСЛИ ЎЗИНГИЗ

Йўлингиз тушиб, Юнусобод тумани халқ таълими бўлимига қарашли 273-мактабга борсангиз, бу ерда ана шу ҳикмат шиор қилиб олинганлигига амин бўласиз. Ўзбекистон Қаҳрамони Мавлуда Исматова бошчилик қилаётган, 1176 ўринга мўлжалланган мазкур мактабда ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун барча шароит яратилган. 12 та фан тўгараги, бир қанча спорт турлари билан шуғулланишга мўлжалланган зал ўқувчилар ихтиёрида.

— Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури туфайли мактабларимиздаги шарт-шароит тубдан яхшиланиб бормоқда, — дейди "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танлови (2006 йил) ғолиби (суратда) Лола Болтаева. — Таълим сифатининг ошиши, тарбия беришнинг ўзига хос усулларидан кенг фойдаланилаётгани ҳам соҳадаги изчил ислоҳотлар самарасидир, албатта. Мактабимиз инглиз тилини ўқитишга ихтисослашган. Айни пайтда кўплаб ўқувчиларимиз хорижий юртларда таҳсил олмоқдалар.

Эртанги кун эгалари бўлмиш фарзандларимизга суянамиз. Шунинг учун ҳам уларнинг тарбиясига мактаб давриданоқ масъулият билан қараш мамлакатимизда устувор вазифага айланиб бормоқда. Эзгуликни кўзда тутган бундай ислоҳотлар, оммалашаётган тажрибалар, бир кун келиб, албатта, ўз самарасини бериши муқаррар.

Ф. САНАЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

СУРАТЛАРДА: мактаб ҳаётидан лавҳалар.

Т. ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Россия Федерацияси Президенти В.В.Путин Жаноби Олийларига

Муҳтарам Владимир Владимирович,

Россия Федерациясининг биринчи президенти Борис Николаевич Ельциннинг тўсатдан вафот этгани тўғрисидаги хабар Ўзбекистонда чуқур қайғу билан қабул қилинди.

Борис Николаевич ўзининг бой тажрибаси ва билими, самимияти, Россия тақдирига бўлган юксак масъулияти ва бурчини чуқур ҳис этиши билан Россия Федерациясида ҳам, хорижда ҳам ҳақли равишда ҳурмат-эътибор қозонган эди.

Россиянинг мустақил давлат сифатида шаклланишининг янги босқичи Борис Николаевич номи билан боғлиқ бўлиб, мамлакатда эркинлик ва демократия сари йўл очган туб ўзгаришлар ва ислоҳотлар амалга оширилди.

Ўзбекистон халқи ва шахсан ўз номимдан чуқур таъзия изҳор этиб, ҳурматли Владимир Владимирович, Сиздан Борис Николаевичнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамда бутун Россия халқига чин дилдан ҳамдардлигимизни етказишингизни сўрайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2007 йил 24 апрель

26 апрель — Амир Темур ордени таъсис этилган кун

ИФТИХОРИМИЗНИНГ БУЮК ТИМСОЛИ

Ватаннинг Байроқ, Мадҳия, Герби каби муқаддас рамзлари сингари олий унвон, орден ва медаллари ҳам юрт мустақиллиги, шоншавкати тимсолидир. Бундай тимсолларда мамлакатнинг тарихий анъаналари, миллий қадриятлари, маданий-маънавий мероси ўз аксини топади.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан таъсис этилган Амир Темур ордени ҳам Ватанимизнинг ана шундай олий мукофотларидандир.

Амир Темур тарихимиздаги энг ёрқин, энг буюк сиймолардан бири сифатида халқимизнинг миллий ифтихори, мустақиллик ва озодлик рамзига айланган. Мана, етти асрки, Соҳибқирон бобомизнинг иши, сўзи, қудрати ва даҳоси жаҳон аҳлини лол қолдириб келмоқда. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ, асрлар давомида аждодларимиз томонидан яратилган улуғ, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Илгари мустабид тузум мафкураси тазйиқи ва таъқибида бўлган, сохталаштирилган тарихимиз холисона ўрганила бошланди. Шавкатли бобомиз Амир Темур ҳазратларининг муборак номлари янги тарихимиз саҳифасидан қайтадан жой олиши ҳам истиқлолимизнинг энг бебаҳо тухфаларидандир.

Тарихий меросни ўрганиш, таҳлил қилиш мустақил юртимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланиши, халқимизни, шу жумладан, ёш авлодни миллий ифтихор ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1996 йили Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги мамлакатимизда ва халқаро миқёсда кенг нишонланди. Мазкур сана муносабати билан юртимизда ўша йил Амир Темур йили, деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбарининг Фармонига биноан, Амир Темур ордени таъсис этилди.

(Давоми 2-бетда).

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат солиқ ва божхона қўмиталари масъул ходимлари иштирокида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Мувофиқлаштирувчи Кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизматидан маълум қилишларича, тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат идоралари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳамда тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига оид ариза-шикоятларнинг ҳал этилиши устидан прокурор назорати, бу тоифадаги жиноят ишлари бўйича тергов ва суд амалиёти таҳлил этилди. Диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноят содир этиб, жиноий жавобгарликдан яширинган айбланувчиларга нисбатан қидирув ишлари юритилиши аҳволи муҳокама қилинди.

Йиғилишда мазкур йўналишларда кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат идоралари ходимлари томонидан содир этилган жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитга, уларнинг олдини олишга қаратилган кескин чоралар кўрилиши, бу борада идоравий ва прокурорлик назоратини янада кучайтириш лозимлигига эътибор қаратилди.

Шунингдек, диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноят содир этиб, дастлабки тергов ва суддан яширинган айбланувчиларга нисбатан қидирув ишларининг юритилиши аҳволига оид масала муҳокама қилинди. Бу бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ўзининг муайян самарасини бераётганлиги қайд қилинди. Шу билан бирга, айрим ҳолларда айбланувчиларни қидириб топиш ва уларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлашда мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги айтилди. Йўл қўйилган камчиликлар қаттиқ танқид остига олинди.

Қидирув ишларини амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада яхшилаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномаларда бу борада белгиланган имкониятлардан самарали фойдаланишга қаратилган тадбирларни кучайтириш лозимлиги уқтирилди.

Йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли идоралар олдига қатъий талаблар қўйилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



ТУҒИЛГАН ЗАМИН МЕҲРИ БОШҚАЧА

Мана, икки кундирки, жаҳон чемпиони Руслан Чагаев ўзи туғилиб ўсган Андижонда. Шаҳар кўчалари, майдонларда мингминглаб ёшлар, спорт ихлосмандлари мард ва баҳодир ҳамюртларини ғалаба билан қутламоқдалар.

Руслан, аввало, ўзи ўқиган 50-мактабда бўлди. Жамоа аҳли Ўзбекистон фахрига айланган собиқ ўқувчисини ғалаба билан қутлади.

— Руслан жуда тиришқоқ, талабчан ўқувчиларимдан эди,— деди устози Галина Студиникина. — Мамлакатимиз довруғини дунёга таратган шундай шогирдим борлигидан фахрланаман. Бугун 34 нафар ўқувчимиз унинг изидан бораяпти. Қобилжон Бобожонов, Бобур Алимов, Бобур Аҳмедовлардан, айниқса, умидим катта.

Жаҳон чемпионини вилоят ҳокими А. Усмонов қабул қилиб, улкан ғалабаси билан қутлади. Сўнгра вилоятда спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

Андижондаги Олимпия заҳиралари коллежидаги учрашув ҳам катта тантанага айланиб кетди. Руслан учун бу маскан қадрли. Чунки у коллежда ҳал қилувчи жанглар олдидан кўплаб машғулотларда қатнашган. Русланнинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан камолга етишида Андижон давлат университетининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бу ерда бокс бўйича Олимпиада, жаҳон, Осиё чемпионлари, халқаро турнирлар ғолиблари етишиб чиққан.

Бундан ўн кун олдин бошланган тантана бобокалонимиз Бобур Мирзо юртида давом этаётир. Андижондаги ҳар бир корхона ва ташкилот, ўқув юртлари ўз чемпионини олқишламоқда.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ДУНЁ НИГОҲИ

— Бугун Ўзбекистонда фуқаролар фаровонлигини ошириш бўйича вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё...

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг 2006 йилги якунлари республикада мамлакат аҳолисининг турмуш тарзини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этадиган иқтисодий ва ижтимоий соҳада кенг кўламли ислоҳотларни ҳаётга муваффақиятли тарзда татбиқ этишга имкон берадиган мустаҳкам салоҳият мавжудлигидан далолат беради.

Э. ШТЕЙНБУРК,
Исроил Саноат, савдо ва меҳнат вазирлигининг департаменти бошлиғи ўринбосари.

Экспорт миқдори — икки ҳисса

Германиянинг замонавий технологиялари билан жиҳозланган «Боғот текстил» ўзбек-турк қўшма корхонаси 2005 йилда иш бошлаган эди.

■ Ўша йили корхонада 2084 тонна ип-калава, 20 тонна трикотаж матоси ишлаб чиқарилиб, 1354 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинди. Ўтган йили эса бу кўрсаткич 2743,2 минг АҚШ долларини ташкил этди.

250 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхонада бу йил ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 80 фоизи Туркия ва Россияга экспорт қилинади, яъни 3,2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот четга жўнатилади.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳужжатларнинг электрон нусхаси

Самарқанд вилояти давлат архивида ҳужжатларнинг электрон нусхасини яратишга киришилди. Бу борада Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали билан йўлга қўйилган ҳамкорлик яхши самара бераяпти.

■ Бундай усул архив ходимига ҳам, мижозга ҳам қулайлик яратади. Негаки, керакли ҳужжат компьютер орқали бир зумда топилади, унинг эскириб кетишининг олди олинади. Битта компьютерга эса 500 мингга яқин ҳужжат жойлаштирилиши мумкин.

Бундан ташқари, архивда ҳужжатларнинг суғурта фондини яратиш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Камолиддин — «Камолот» стипендиати

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти иқтисодиёт факультетининг талабаси Камолиддин Бекназаров тенгдошларидан салкам икки ҳисса кўп стипендия оладиган бўлди.

■ У яхши ўқиш билан бирга, фаол илмий изланишлар олиб борганлиги туфайли шундай муваффақиятга эришди. Камолиддиннинг «Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантириш муаммолари» мавзуидаги мақолалар тўплами ва Интернетда ўзи яратган веб-сайти «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати олий ўқув юртлари талабалари учун эълон қилган танловда юқори баҳоланди. Мутахассисларнинг фикрича, бу тадқиқот бугунги кунда жуда катта амалий аҳамиятга эга.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент давлат авиация институтида "Ўзбекистонда авиакосмик тармоқни ривожлантириш муаммолари" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Космос муаммолари муҳокамаси

■ У республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Росзарубежцентр»нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва Воҳидов номидаги халқаро аэрокосмик фонди томонидан Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.

Конференцияда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги космик дастурлар, мамлакатимизда авиация саноатини ривожлантириш, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси ҳамда Тошкент авиация институти ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ҳафталиги

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ҳафталиги — TIHE 2007" кўргазмаси иш бошлади. Таъкидлаш жоизки, бу тадбир биринчи тўртта — "Соғлиқни сақлаш — TIHE 2007", "АРТЕКА EXPO - 2007", "Гўзаллик ва медицина эстетикаси — BEAUTY 2007" ҳамда "Stomatology Uzbekistan — 2007" халқаро кўргазмаларни ўзида мужассамлаштирган.



«ITE Uzbekistan» компанияси томонидан уюштирилган мазкур тадбирда Германия, Швейцария, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея сингари 18 та мамлакатдан 130 та компания ва фирма ўз маҳсулот намуналари билан иштирок этмоқда.

Маълумот учун айтиш керакки, мамлакатимиздаги даволаш-профилактика муассасаларида 100 мингдан зиёд тиббий техника воситасидан фойдаланилмоқда. Уларнинг 10 мингтасини ўта замонавий, юқори технологияли жиҳозлар ташкил этади. Тегишли лойиҳаларга кўра, 2009 йил бошларига қадар тиббий муассасаларимиз яна 180 млн. АҚШ долларилик янги замонавий ускуналар билан таъминланади.

Тадбир ташкилотчиларининг маълум қилишича, ушбу кўргазмалар давомида тиббиёт соҳасидаги энг сўнгги русумдаги технологиялар намойиш қилинади, ҳамкорлар ўртасида маҳсулот олди-сотдиси бўйича шартномалар имзоланади. Шунингдек, Кардиолог ва кардиохурурглар-ларнинг 1-халқаро илмий конференцияси, 3-Тошкент халқаро илмий-амалий форуми ҳам бўлиб ўтади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари С. Иномова иштирок этди.

С.ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

СУРАТЛАРДА: кўргазмалардан лавҳалар.

Д. ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Аёлнинг ўрни беқиёс

Республика Хотин-қизлар қўмитаси, хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг "Меҳр" бирлашмаси ва республика "Маҳалла" жамғармаси ҳамкорликда ўтказган анжуман аёлларнинг жамиятда тутган ўрни ва ташаббускорлигига бағишланди.

"Жамиятнинг демократик ривожланишида маҳалла етакчи аёлларининг ролини ошириш истиқболлари" мавзуидаги ушбу форумда Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган юз нафардан зиёд фаол аёллар, сенаторлар, депутатлар иштирок этди. Анжуманда аёлларимизнинг жамият тараққиёти учун масъуллиги ва бу жараёндаги фаоллигини ошириш, маҳаллаларда соғлом маънавий муҳитни шакллантиришда маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар кенгашларининг роли масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

«Саломатлик» поезди Оролбўйида

"Экосан" халқаро ташкилотининг "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК билан ҳамкорликда ташкил этган "Саломатлик" поезди Оролбўйига етиб келди. Ушбу тадбирдан мақсад минтақанинг энг чекка ҳудудларида яшаётган аҳолига, кам таъминланганларга, ёлғиз қарияларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишдир. Поездга 50 млн. сўмлик юк ортилган бўлиб, унда кийим-кечаклар, уй-рўзғор буюмлари ва санитария-гигиена воситалари бор.

Маъданли сув — танга даво

Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги Олтинсой қишлоғида маъданли сув билан даволайдиган сиҳатгоҳ қурилиши бошланди.

Бу шифо маскани "Зилола пойдевори" қурилиш-ишлаб чиқариш корхонаси томонидан бунёд этилмоқда. Республика Касаба уюшмалари федерацияси унинг асосий буюртмачисидир. 80 ўринга мўлжалланган мазкур сиҳатгоҳ фойдаланишга топширилгач, бу ерда асаб тизими ва ошқозон-ичак касталиги билан оғриган беморлар даволанади.

Оила ва тарбия

Урганч шаҳрида республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази ва вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида оила муносабатлари, оиладаги муҳит, ёшларнинг ҳуқуқий ва тиббий саводхонлигини ошириш мавзусига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари оила, ёшлар тарбиясига доир маърузаларни тингладилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Фарида — танлов ғолиби

Янгиер шаҳар қурувчилар саройида Сирдарё вилоятининг энг яхши тарбиячиси кўрик-танлови якунланди. Ҳакамлар ҳулосасига кўра, Гулистон туманидаги 2-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Фарида Ҳусанова танлов ғолибаси, деб топилди ва республика танловига қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Кафолатли ва сифатли хизмат

«Андижоннефтбазаси» унитар корхонаси фермерларга сифатли хизмат кўрсатиб келаяпти. Айни кунларда корхонанинг фермерларга хизмат кўрсатувчи 71 та ёнилғи тарқатиш шохобчаси ишлаб турибди.

Энг замонавий ёнилғи қуйиш ва уни етказиб бериш ускуналари билан жиҳозланган мазкур шохобчаларда фермерлар учун барча шароит яратилган. Ҳатто амалий маслаҳатлар бериш ишлари ҳам йўлга қўйилган.

СУРАТДА: Шаҳрихон туманидаги 18-фермерларга ёнилғи тарқатиш шохобчаси (чапдан) бош оператори Сирожиддин Ўринов ва ишчи Рустам Матбобоев.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ИПОТЕКА – ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВОСИТАСИ

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатлари ривожланиб борган сари тадбиркорлар, мулкдорлар қатлами ҳам кенгайиб, уларнинг имконият доираси тобора ошиб бормоқда. Ушбу имкониятларнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Ипотека тўғрисида"ги Қонуни бунга яққол далилдир.

Замон шитоби тез, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий янгиланишлар барча соҳа тараққиётига ислоҳотлар киритмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 22 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган, 2007 йил 5 апрелдан кучга кирган «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлашда ўзига хос салмоқли қадам бўлди, деб айтиш мумкин. Бу эса, табиийки, мавжуд қонунларнинг ишлаш механизмига ижобий таъсир ўтказиши, шубҳасиз.

Қонун — ҳаётимиз асоси

Ипотека – бу, қисқа ва лўнда қилиб айтганда, кўчмас мулк гарови ҳисобланади. Гаровнинг алоҳида тури бўлган кўчмас мулк гарови яқин ўтмишда мамлакатимизда деярли бўлмаган. Ерлар фақат давлат мулки ҳисобланган, уй-жойлар ҳам асосан давлатга қарашли бўлганлиги боис ипотека деярли ишламас эди. Ўша пайтларда мол-мулкни гаровга қўйиш — оғир аҳволга тушиш белгиси, деб қабул қилинган. Судҳўрлар эса бадиий адабиётларда, киноларда оддий одамларнинг мол-мулкини тортиб олувчи, асоратга солувчи деб тасвирланган. Шу сабабли ҳам кекса авлод онгида кўчмас мулк гарови одамни сескантирадиган салбий ҳолат сифатида тасаввур уйғотишининг ажабланарли жойи йўқ.

Аслида кўчмас мулк гарови бунчалик қўрқинчли ва даҳшатли нарса эмас. Кўчмас мулк гарови ишбилармон кишиларнинг кўчмас мол-мулкни вақтинчалик гаровга қўйиб, қарз эвазига ишларини юриштириб юбориш, бирни икки қилиш воситаси ҳисобланади.

Ипотеканинг яна бир хусусияти шундаки, ривожланган мамлакатларда у орқали аҳолининг ўрта қатлами уй-жойларга эга бўладилар. Бунда ер участкаси ёки унга бўлган ҳуқуқ гаровга қўйилиб, кредит олинади ва қурилиш бошланади ёки чала қурилиш гаровга қўйилган ҳолда кредит олиниб, иморат тўла-тўкис бунёд этилади. Кредит ва унинг фоизлари эса 20-30 йил давомида банкка қайтарилади. Бунинг натижасида бир оила турар жой мулкдорига айланади.

Халқимизда «Кўчмас мулк-ўлмас мулк», деган жуда чиройли ва ўринли нақл бор. Гаров нарсаси кўчар мулк бўлган ҳолларда, гаровга қўйиб қарз олган шахс инсофсиз ёки масъулиятсиз бўлса, у гаров нарсасини истеъмол қилиб қўйиши, яшириши, нобуд қилиши ёки бошқача йўллар билан банкни чув тушириши мумкин. Зеро, кўчмас мулк гаровга қўйилганда бундай салбий оқибат хавфи анча камаяди. Шартномада белгиланган муддат ўтгач, кўчмас мулкни гаровга қўйиб, кредит олган қарздор кредитни қайтаришга лоқайд бўлса ёки бошқача тарзда ғирромлик қилишга уринса, банк кўчмас мулк ҳисобидан ўз талабларини қондириш имкониятига эга.

Кўчмас мулк гаровининг (ипотеканинг) юқорида айтилган қулайликларидан ривожланган мамлакатлар ўз ҳуқуқ тизимларида ниҳоятда самарали фойдаланмоқдалар. Масалан, АҚШ ва Европада ипотека орқали аҳолининг жуда катта қисми уй-жойга эга бўлмоқда. Россияда, баъзи МДҲ мамлакатларида ҳам ипотеканинг энг мақбул ва самарали ҳуқуқий асосларини шакллантиришга уринилмоқда.

Кўпгина мамлакатларда ипотеканинг асосий предмети хусусий мулк бўлган ер участкаси ҳисобланади. Худди шу маънода, яқин вақтгача ер участкасини хусусий мулк сифатида ипотека нарсаси бўлиш имконияти чекланган эди. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 июлдаги "Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ва иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги Фармони бу соҳада жиддий сифат ўзгаришларига олиб келди. Ушбу Фармон хусусий мулк бўладиган ер участкалари доирасини кескин кенгайтиради ва ипотеканинг яхши ишлаб кетиши учун ҳуқуқий майдон яратади.

Мулк ҳуқуқи асосида бирор субъектга тегишли бўлган кўчмас мулк ипотеканинг нарсаси бўлади. Бундан ташқари, қатор мулкий ҳуқуқлар ҳам ипотека нарсаси бўлиши мумкинлиги мазкур қонунда белгилаб қўйилган.

Ипотека шартномаси ипотека муносабатларини юридик расмийлаштирувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Унда ипотека нарсаси, унинг номи, турган жойи кўрсатилган ва уни идентификация қилиш учун етарли тавсифланган ҳолда унинг баҳоси, моҳияти, миқдори, ипотека билан таъминланадиган мажбуриятни бажариш (кредитни, қарзни қайтариш) муддати ва гаровга қўйилган мол-мулк тарафлардан қайси бирида турганлиги, шунингдек, тарафлар келишган бошқа шартлар кўрсатилади. Шартнома шартларининг батафсил белгилаб қўйилганлиги унинг мазмунан мукаммал бўлишини таъминлайди, тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳам аниқ ва равшан белгиланишига олиб келади.

Ипотекада гаров хатини қўллаш билан боғлиқ муносабатлар ҳам вужудга келади. Гаров хати ўз моҳиятига кўра, қимматли қоғоз ҳисобланади. Ушбу қимматли қоғозда эгасининг номи кўрсатилади. Гаров хати давлат рўйхатидан ўтказилади, бу унинг ишончлилик даражасини таъминлайди.

Гаров хати ипотека олувчи учун муайян қулайликлар вужудга келтиради. Амалда ипотекага олувчи сифатида турар жой қуриш, сотиб олиш учун 15-20 йил ва ҳатто ундан кўп муддатда қайтариш учун кредит берган тижорат банклари чиқадилар. Агар банк бирмунча муддат ўтгандан кейин молиявий қийинчиликларга дучор бўлса ёки бошқача лойиҳалар билан ишламоқчи бўлса, қимматли қоғозлар бозорида гаров хатини сотиши мумкин. Расмийлаштирувдан кейин тегишли барча ҳуқуқлар гаров хатини сотиб олувчига – ипотека олувчига ўтади. Агар гаров хати бўлмаса, банк билан мижозлар ўртасида (ипотекага қўювчилар ўртасида) муносабатлар кескинлашиши ва ҳар хил низолар келиб чиқиш эҳтимоли кўпроқ бўлган бўлар эди. Банк ипотекага олувчи бўлишини хоҳламаган тақдирда гаров хатини бозорда сотиш орқали (бозор конъюктураси имкон берса, қимматроққа сотиш ҳам мумкин) ундан қутилади ва энг асосийси, ҳар хил низоларсиз фаолият юритиш имконига эга бўлади.

Маълумки, ипотека нарсаси сандиққа солиб қулфлаб қўйиладиган буюм эмас. У кўчмас мулк сифатида ипотекага қўювчи томонидан самарали ва белгиланган мақсадга мувофиқ фойдаланиши мумкин. Бунда ипотекага қўювчи ипотека нарсасидан маҳсулот, самара ва даромад олишга ҳақли. Айни вақтда қонунда ипотека нарсасининг лозим даражада сақланиши бўйича ипотекага қўювчи мажбуриятлари белгилаб қўйилади.

Қонунда учинчи шахсларга тегишли бинолар ёки иншоотлар жойлашган ер участкасига доир ҳуқуқлар гарови, бинолар ва иншоотлар, корхоналар ипотекасининг хусусиятлари, уй-жойлар ва квартиралар, кўп қаватли уйдаги квартиралар, қурилаётган уйлар ипотекаси, банк ёки бошқа кредит ташкилотининг кредити ҳисобига олинаётган ва қурилаётган уйлар ва квартиралар ипотекаси, ундирувни уй ёки квартирага қаратишнинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида махсус нормалар ҳам назарда тутилган.

Шуни ишонч билан таъкидлаш мумкинки, ипотекани амалда қўллаш, энг аввало, тадбиркорлар молиявий имкониятлари доирасини жиддий равишда кенгайтиради. Сўнгра аҳоли ўрта қатламини уй-жойлар билан таъминлашда ижобий ўзгаришларга олиб келади. Қолаверса, банк-кредит муассасалари фаолияти самарадорлигини оширади ва шартнома интизомини мустаҳкамлайди. Шунингдек, ерга нисбатан хусусий мулкчиликни жорий этиш, ер участкаларини бозор муомаласига киритиш соҳасида ҳуқуқий замин ҳам яратади.

М. УСМОНОВ,
О. ОҚЮЛОВ,
Тошкент юридик институти профессорлари.

Жарқўрғон туманидаги "Жаҳон" фермер хўжалигида 216 бош қорамол, 910 бош қўй-эчки боқилмоқда. Хўжаликда чорва наслини яхшилаш орқали маҳсулдорликка эришиш чоралари кўрилаётгани ютуқлар омили бўлаяпти. Хусусан, ўтган йили Польшадан 10 бош зотдор сигир харид қилинди.

Фермер хўжалигида сифатли озуқа етиштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда чорва моллари учун витаминга бой бўлган рапс ўрими бошланди. Мазкур озуқа маҳсулдорликни 30-35 фоизга ошириш имконини беради.

Хўжалик раҳбари Тўра Хидировнинг айтишича, хорижлик ҳамкорлар билан имзоланган шартномага кўра, шу ернинг ўзида сутни қайта ишлайдиган цех барпо этилади. Бу жамоада меҳнат қилаётган 150 нафар ишчи сафига яна ўнлаб ёшларнинг қўшилишига имкон яратади.

СУРАТЛАРДА: механизатор Эргаш Бойқувватов; ўрим-йиғим пайти.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТИК МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЙЎЛИДА

Бухоро шаҳрида "Ижтимоий-сиёсий модернизациялашнинг ҳозирги замон тажрибаси ва барқарорликни таъминлаш масалалари" мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Минтақавий сиёсат жамғармаси ва ЕХҲТ лойиҳаларининг Ўзбекистондаги мувофиқлаштирувчиси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Буюк Британия, Ирландия, Голландия, Исроил, Ҳиндистон, Россия, АҚШ, Словакия, Чехиядан сиёсатшунос экспертлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар вакиллари, сиёсий маданият ҳамда демократик жараёнларни ўрганиш бўйича мутахассислар иштирок этди.

Жараён

Учрашувда мустақиллик йилларида Ўзбекистонда кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ва демократик ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида жамиятнинг барча жабҳаларини модернизациялаш борасида катта тажриба тўпланганлиги таъкидланди. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги Қонун демократик ривожланиш жараёнида илгари қўйилган муҳим қадам бўлди.

Давра суҳбатида Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолиятини кучайтириш учун кенг имкониятлар очиб берадиган қонунчиликни янада такомиллаштириш мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида босқичма-босқич амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг мантиқий давоми экани таъкидланди.

Учрашув қатнашчилари фуқаролик жамияти асосларини, демократик бошқарув шароитида вакиллик ва ижро ҳокимияти тизимини шакллантириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳамда сиёсий маданиятини оширишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Мунозара жараёнида қонунчиликка парламентда кўпчилик ва мухолифат институтлари, шунингдек, унинг самарали фаолият юритишини кафолатлайдиган тизимни жорий этиш билан боғлиқ масалалар батафсил муҳокама қилинди. Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоятлар кенгашлари таркибидаги сиёсий партиялардан, шунингдек, фуқароларнинг ташаббус гуруҳларидан сайланган депутатларга марказ ва жойларда ижро ҳокимияти органларини шакллантириш жараёнига таъсир кўрсатиш, ҳукумат фаолиятини парламент томонидан самарали назорат қилиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда фаол иштирок этиш имконини берадиган ҳуқуқий механизмлар кўриб чиқилди.

Учрашувда Ўзбекистон парламенти томонидан яқинда қабул қилинган қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимиздаги сиёсий ва давлат қурилишига, ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий туб ўзгаришларнинг амалга оширилишига таъсир кўрсатиши таъкидланди.

ЎзА мухбири учрашувлар якунлари бўйича чет эллик иштирокчиларнинг фикрлари билан қизикди.

— Президент Ислом Каримовнинг барча даражадаги қарорларни қабул қилишда сиёсий партиялар ролини оширишга қаратилган ташаббуси юксак ижобий аҳамиятга эга, — деди Словакия Фанлар академияси Сиёсий тадқиқотлар институтининг илмий ходими Юрай Марушиак. — Биз мамлакатингизда институционал демократия асослари яратилаётгани ва жадал ривожланаётганига ишонч ҳосил қилдик.

— Яқинда қабул қилинган Конституциявий қонунни амалга ошириш Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг мавқеини мустаҳкамлаш, мамлакатингизни янада демократлаштиришга ёрдам беради, — дейди Амстердам университети профессори Адре Герритс. — Бунинг бутун жамият учун фойдаси катта. Бу менинг Ўзбекистонга биринчи ташрифим. Бу ерда кўплаб ижобий ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар рўй бераётганини ўз кўзим билан кўрдим. Тошкент ва қадимий Бухоро менда катта таассурот қолдирди, бу ерда узоқ ўтмишнинг маҳобатли ёдгорликлари замонавий бинолар билан ёнма-ён жойлашган, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт гуркираб ривожланмоқда.

— Шуниси эътиборга лойиқки, Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик, иқтисодий ўсиш кузатилмоқда, ривожланишга тўсқинлик қилаётган барча таҳдид ва муаммолар муваффақиятли бартараф этилмоқда, — дейди Россия Федерацияси Жамоатчилик палатаси аъзоси, Сиёсий тадқиқотлар институти директори Сергей Марков. — Бу ерда сиёсий плюрализм шаклланмоқда, партияларга катта имкониятлар берилган, энди партияларни аҳоли қўллаб-қувватлаши учун улар янада фаол ишлаши, одамларнинг хоҳиш-иродасини янада фаолроқ ифода этиши лозим.

— Мен ўтган йили ҳам Тошкентда бўлган халқаро конференцияда иштирок этган эдим, — дейди Сайлов тизимлари халқаро эксперт маркази президенти, Исроилдаги Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари институти директори Александр Цинкер. — Бу гал эса қадимги Бухоронни кўриш насиб этгани учун менга Исроилда кўпчилик ҳавас қилиши табиий. Ўзбекистон илғор хорижий тажриба ва ўз ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда демократик тараққиёт йўлини танлади. Қабул қилинган янги қонун демократлаштириш жараёнини давом эттириш мумкин бўлган конституциявий асос ҳисобланади. Бугун кўп нарса сиёсий партияларга, уларнинг Президент ва парламент томонидан берилган имкониятларкан нечоғли оқилона фойдаланишига боғлиқ.

— Биз Ҳиндистонда юртингизда рўй бераётган ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатамиз, — деди Ҳиндистон Қишлоқ ва саноат ривожланишини ўрганиш маркази бош директори Мальхотра Рашпал. — Президент Ислом Каримовнинг сиёсий партияларнинг ролини оширишга доир ташаббуслари ўз вақтида қабул қилинган қарор, деб ўйлайман. Мамлакатингизда одамлар сиёсий ҳаётда кенг иштирок этиш имконига эга ва бу, албатта, иқтисодиётни ривожлантиришга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Президент Ислом Каримовнинг пухта ўйланган сиёсати мамлакатингиз аҳолиси томонидан янада кенг қўллаб-қувватланишига ишончимиз комил.

Халқаро учрашув қатнашчилари Тошкентда ҳам бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Минтақавий сиёсат маркази ва бошқа ташкилотларда учрашувлар ўтказди.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

ИФТИХОРИМИЗНИНГ БУЮК ТИМСОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Орден саккиз қиррали бўртма юлдуз кўринишида бўлиб, унга тилла қопланган, марказида Соҳибқироннинг от устидаги улуғвор қиёфаси акс эттирилган. Тасвир остида Амир Темур салтанатида ахлоқий ва маънавий мезонга айланган "Куч — адолатда" шиори битилган. Айни чоғда бу ҳикмат мустақил давлатимиз сиёсатининг ҳам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Амир Темур ордени билан давлатчиликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни ҳамда халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ишига алоҳида ҳисса қўшган мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланади. "Давлат мукофотлари тўғрисида"ги Қонунда фуқаролар билан бир қаторда, айрим ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, шунингдек, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам ушбу орден билан тақдирланиши мумкинлиги қайд этилган.

1996 йил 28 августда бобокалонимизнинг 660 йиллик юбилейи арафасида Президентимиз Фармонига биноан, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари Амир Темур ордени билан мукофотланди.

Маълумки, бу икки шаҳар Амир Темур ҳаёти ва фаолиятида муҳим ўрин тутган. Соҳибқирон бобомиз қадим Кешда дунёга келиб, Самарқандни ўз салтанатининг пойтахтига айлантирган. Қачонки, биз Амир Темурни ёд этар эканмиз, Соҳибқирон салтанатининг пойтахтини ҳам эҳтиром билан тилга оламиз. Чунки Амир Темур ва Самарқанд тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиш қийин. Самарқанд, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳардир. Ушбу шаҳарнинг ана шу оламшумул шуҳратига, тенгсиз салобатининг юксалишига, шонли тарихига Амир Темур бобомиз белгиланган. У ҳар гал сафардан қайтгач, даставвал Кешни зиёрат қилган. Улуғ зотларнинг тарих осмонига юксаладиган манзиллари бўлади. Шаҳрисабз Амир Темур учун ана шундай парвоз нуқтасидир.

Мустақиллик йилларида бошқа шаҳарларимиз қатори бу икки қадимий кентда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ва бу эзгу иш давом этмоқда.

2004 йилнинг 13 июль куни ўзбек ўғлони Рустам Қосимжонов шахмат бўйича Жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Бу оламшумул ғалаба ўзбек номини, Ўзбекистон шуҳратини янада оширди. Ғуруримизни юксалтирди, халқимизни она Ватаннинг нурли истиқболи йўлида янада жипслаштиришга хизмат қилди. Ёш шахматчимизнинг бу юксак ғалабаси Президентимиз Ислом Каримов томонидан муносиб баҳоланди – Рустам Қосимжонов Амир Темур ордени билан тақдирланди.

Мана, қарийб 16 йилдирки, юртимизда беқиёс янгиланишлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Соҳибқирон даҳоси бизни доимо олижаноблик ва бунёдкорликка чорлаб келмоқда. Зеро, бундан кейин ҳам бобокалонимиз Амир Темур сиймоси ифодаланган орден халқимизни янгидан-янги марраларга, ютуқларга ундовчи куч, миллатимизнинг ғурур ва ифтихори тимсоли бўлиб қолаверади.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Қисқа сатрларда

Янги тиббий марказ

Бувайда туманининг Пошшопирим қишлоғи аҳли тиббий муолажа, кўрикдан ўтиш учун 25 километр узоқликдаги туман марказига бориб келарди.

Куни кеча «Саломатлик-2» лойиҳасига кўра, бу ерда замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган, кўркам ва шинам қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Нуронийлар иззатда

Жиззах вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ёлғиз, кекса ва кам таъминланган пенсионерлардан 252 нафарини марказий, маҳаллий матбуот нашрларига бепул обуна қилди. Бундан ташқари, қарияларнинг 330 нафари йиллик йўл чипталари билан таъминланди.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тежамкор сеялкалар

«Аккорд–оптима» русумидаги янги сеялка биринчи бўлиб Элликқалъа тумани далаларида синовдан ўтказилмоқда. Норвегиялик олимлар яратган ушбу сеялка бирданига саккиз қаторга туксизлантирилган чигитни уялаб экади. Туман фермерлари 1000 гектар ерга шу агрегат ёрдамида чигит экишни режалаштирганлар. Бу бир мавсумда 60 миллион сўм маблағни тежаш имконини беради. Сеялкадан маккажўхори ва кунгабоқар экишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Инсон — ҳаёт гултожи» танловига

Қашқадарёнинг Касби туманида Қатағон деган қишлоқ бор. Холбой ота Хонқулов ана шу қишлоқда яшайди. Уни нафақат қишлоқ ёки туманда, балки вилоятда ҳам кўпчилик яхши билади. Холбой муаллим, десангиз, ҳамма "Анови қатағонлик отахонми?" дейди.

Холбой бобо узоқ йиллар қишлоқда ўқитувчилик қилган. Оз эмас, кўп эмас, 22 йил тумандаги 3-мактабда директор бўлиб ишлаган.

ЗИЁБАХШ ХАЗИНА

Тўғрисини айтиш керак, Холбой бобонинг бошқаларга ўхшамайдиган хислатлари кўп. У, аввало, китоб "жиннси". Топган пулига китоб сотиб олади. Уйида каттагина кутубхона очган. Бугун кўпчилик данғиллама уй, дўкон қураётган, қўша-қўша машина олиб минаётган пайтда Холбой Хонқулов кутубхона қурди. Ўз маблағига, пешона тери эвазига топган пулига тиклади бу маърифат масканини. Аслида у ҳам битта ошхона очиб қўйиб, шундан келаётган даромадга маза қилиб қарилик гаштини суриб яшаса бўларди. Ажойиб курортларда дам олиши мумкин эди. Лекин у бундай қилмади, қилолмайди.

Отахоннинг кутубхонасида ҳозир салкам йигирма мингта китоб бор. Бундан ташқари, яна 6 мингдан ортиқ газета-журналлар сақланмоқда бу зиё масканида.

— Бир куни Қаршидан бир одам келди, — дейди Холбой бобо.— Китоблар ҳамда газета ва журналлар тахламларига 15 миллион сўм бераман, деди. Тўғрисини айтсам, бу таклифдан жаҳлим чиқди. Ахир бу китобларни сотиш учун йиққаним йўқ. Сотадиган бўлсам бозормабозор, дўконма-дўкон чопиб китоб излаб юрмасдим. Ўйлаб кўринг: бир умр тўплаган, ҳатто турмушда қийналган пайтларимда ҳам бировга бермаган китобларимни энди сотаманми?

Сизга айтсам, бозор иқтисодиёти шароитида маънавиятга муносабат масаласи биринчи ўринга чиқиши керак, — дея сўзида давом этади отахон. — Миллат миллат бўлиши учун бунинг аҳамияти катта.



Яратганга минг бор шукурки, юртимизда маънавият масаласи доимо мамлакатимиз раҳбари диққат-эътиборида. Юртбошимизнинг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори эълон қилингандан сўнг мен ўзимга "Шу қарор ижроси учун нима қила оламан?" деган саволни бердим. Кейин фарзандларим билан маслаҳатлашиб, қишлоқда Ёшлар маънавият маркази қуришга қарор қилдик. Бунинг бир неча сабаблари бор. Аввало, китобларим кўпайган сайин кутубхонага сиғмай бораяпти. Иккинчидан, уларни сифатли сақлашни ўйлаш керак. Учинчидан эса, юқорида айтганимдек, маънавият масаласи бугун биринчи ўринга чиқди.

Ҳозирги ёшларимиз биздан ўзиб кетди. Улар дунёни эгаллаб боришаяпти. Бугун Америка, Австралия, Европа бизга бир қадам бўлиб қолди. "Фалончи Аргентинага борибди" деса, ҳеч ким ҳайратланмай қўйди. Мана, бизнинг қишлоқдан ҳам икки бола хорижда ўқиб келди. Шу нарсаларни ўйласам, қувончим ичимга сиғмайди.

Лекин тараққиёт бошқа бир муаммони ҳам келтириб чиқарди. Ёшларимиз Ғарб маданиятига, урф-одатларига эргашиб кетаяпти. Автобусга чиққанда ёшларга эътибор бериб қаранг. Ўз ташаббуси билан катталарга жой берадигани камайиб бораяпти. Ахир, биз унақа эмас эдик-ку? Каттани ҳурмат қил, деган гапни бизга ота-онамиз ёшлигимиздан ўргатишган ва биз шунга амал қилганмиз. Ҳозирги ёшлар кўпроқ кўраётган киноларидан, видеофильмларидан сабоқ олишяптими? Баъзи ёшларнинг ярим-ялангоч кийинишини, ўзини тутишини, атрофдагиларга кўпол муносабатини кўриб, уялиб кетасан, киши. Ахир, ўзбекнинг ўзбеклиги одобида, катталарга ҳурмат ва иззатида, ҳаёсида, ибосида эмасми?

Бу ҳолни кўргандан сўнг мен бир хулосага келдим: ёшлар кўпроқ китоб ўқиши керак. Китоб ўқиган одам ҳеч қачон бировга ёмонлик қилолмайди, кеккаймайди, энг асосийси, маънавиятли бўлади. Ёшларимиз кимнинг авлоди эканликларини эсларидан чиқармасликлари керак.

Мен қурадиган маънавият марказида кутубхонадан ташқари, маънавият, компьютер хоналари бўлади. Марказ қуриш фикрини туман ҳокимига айтган эдим, дарров қўллаб-қувватлаб, 30 сотих ер ажратиш тўғрисида қарор чиқариб берди. Бундан ташқари, марказ қурилиши билан боғлиқ барча ҳужжатларни тайёрлашда ҳам ёрдамини аямади. Насиб этса, бир-икки кунда қурилиш ишларини бошлаймиз. Ҳозирча марказ учун иккита компьютер сотиб олдик.

Холбой бобо ёши етмишдан ошган бўлса-да, ҳали бакувват. Қачон қарасангиз, томорқада.

— Томорқада 40 туп бодом, 20 туп ўрик, катта узумзор, хурмозор ва олмазор бор, — дейди муаллим. — Марказ қуришга шулардан олган даромадларни сарфлаймиз. Албатта, болалар ҳам қараб турмайди.

Холбой бобонинг болалари ҳам отасига тортди. Катта ўғли Улуғбек Тошкентда яшайди. Ўзи уч хонали уйда туради-ю, бир хонасини китоб билан тўлдирган. Беш мингтадан кўпроқ китоби бор.

— Кутубхонага ҳар йили мингтадан кўпроқ китоб сотиб олаяпман,— дейди Холбой бобо. — Яратган умр берса, китобларим сони кўпайиб бораверади. Орзуим — Ёшлар маънавият марказини тезроқ қуриб битириш. Унда қишлоқ ёшлари китоб ўқиётганини, халқимиз маънавияти сирларини ўрганаётганини кўрсам, армоним қолмайди.

Кимдир дўкон, кимдир уй қуришга ишқибоз. Яна кимдир машина минишни яхши кўради. Холбой бобонинг "хобби"си эса китоб йиғиш, китоб ўқиш. Энди эса Ёшлар маънавият маркази қурмоқчи. Ҳа, маънавият халқни, миллатни улуғлайди.

Бекқул ЭГАМҚУЛОВ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 24 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	1046,79	1 Малайзия рингити	366,71
1 Англия фунт стерлинги	2513,65	1 Польша злотийси	450,86
1 Дания кронаси	228,86	1 СДР	1914,38
1 БАА дирҳами	341,66	1 Туркия лираси	935,78
1 АҚШ доллари	1254,69	1 Швейцария франки	1039,25
1 Миср фунти	221,09	1 ЕВРО	1705,00
1 Исландия кронаси	19,45	10 Жанубий Корея вони	13,54
1 Канада доллари	1116,97	10 Япония иенаси	105,81
1 Хитой юани	162,42	1 Россия рубли	48,78
		1 Украина гривнаси	248,45

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ҚОРАБАЙИРЛАР КЎПАЙМОҚДА

Зотдор қорабайирлар азалдан юртимиз ифтихори бўлиб келган. Бундай отлар жаҳон бозорида анча юқори баҳоланади. Бироқ қорабайирларга ўз вақтида эътибор сусайганлиги боис улар камайиб кетган эди. Эндиликда бу отларнинг қадри яна тикланмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги фермер хўжаликлари ва аҳолининг қўлида қарийб 100 минг бош от парваришда. Отлар сонини кўпайтиришда наслчилик хўжаликларининг алоҳида ўрни бор.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекциясининг бош мутахассиси Тўхтасин Аҳмедовнинг таъкидлашича, айни пайтда мамлакатимизда от наслчилигига ихтисослашган ўн иккита хўжалик фаолият юритмоқда. Уларда 2006 йилда қарийб икки минг бош йилқи ва бия боқилган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида отлар яна икки юзтага кўпайди.

Қашқадарё вилоятидаги "Ҳисор" йилқичилик от заводида 355 бош қорабайир боқилади. 2006 йили мазкур от заводида ҳар юз бош биядан 55 бош қулун олинди. Шунингдек, бу ерда парваришланган юқори маҳсулдор 52 бош наслли йилқи фермер хўжаликларига сотилди.

— Фермер хўжалигимизда йигирмадан ортиқ қорабайир парваришда, — дейди Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги "Абрай полвон набираси — Бургутали" фермер хўжалиги раҳбари А.Жабборов. — Мақсадимиз бундай отлар сонини янада кўпайтириб, тегишли корхона, ташкилот ва хўжаликларга сотишдан иборат.

Қорабайирларни кўпайтиришга Жиззах вилоятида ҳам алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Вилоятдаги наслчилик хўжаликларида, жорий йил январьдаги ҳолатига кўра ҳар юз бош биядан 65 бош қулун олингани бунинг мисолидир. Бу ўтган йилдагига нисбатан қарийб ўн бош кўп, демакдир.

Сайёра ШОЕВА, ЎзА шарҳловчиси.

ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»

ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

«Она ва бола скрининги» давлат дастурини амалга ошириш доирасида ҳомиладор аёллар ва чақалоқларда патология ва туғма нуқсонларни эрта аниқлаш ва олдини олиш мақсадида

ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

— ҳомиладор аёлларни перинатал скрининг текширувларидан ҳамда чақалоқлардаги туғма гипотериоз, фенилкетонурия, муковисцидоз ва галактоземияни аниқлаш учун «Делфия-Виктор» аппаратида ишлатиладиган диагностик тўпламлар.

Мазкур лойиҳа доирасида тендерга эълон қилинган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва етказиш ҳуқуқига эга бўлган фирмалар тендер савдосида иштирок этишга таклиф этилади.

Тендерда иштирок этишда имзоланган ариза ҳамда тўловнома нусхаси «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасига топширилгандан кейин қуйидаги манзилдан шахсан ёки курьер хизмати орқали тендер ҳужжатлари тўпламини олиш мумкин.

Тендер ҳужжатларининг нархи — 500 (беш юз) АҚШ доллари ёки эквивалент миқдорида ўзбек сўмида, тўлов ўтказиладиган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича.

Банк орқали тўлов қуйидаги ҳисоб рақамларига ўтказилиши керак:
— **АҚШ долларида:** ҳисоб рақами 20212840600431338001, банк коди 00407, ГОО НБ ВЭД РУ, СТИР 200548507;
— **ўзбек сўмида:** ҳисоб рақами 20212000000431338001, банк коди 00407, ГОО НБ ВЭД РУ, СТИР 200548507.

Тендер ўтказилишига доир саволлар билан қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин: «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, 700047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 15-уй, тел: (+998 71) 132 00 82/83; факс: (+998 71) 133 89 49 e-mail: fondsau@uzsci.net

Мулоқот учун шахс — Людмила Абдуллаева.
Тендер таклифларини топшириш бўйича охирги муддат — 2007 йил 24 май куни соат 18.00 гача (Тошкент вақти билан).

«ГРАНА» Алтай - Россия

УН барча навлари

ЁРМАЛАР

Ун о/н 50 кг, 10 кг, 5 кг, 2 кг
Ун биринчи навли
Жавдар уни
Ёрмалари

«ГРАНА» — бу экологик тоза маҳсулот, сифат кафолати ва Россия баҳрикенглиги

Энди Ўзбекистонда ҳам

Маҳсулот сертификатланган

Тошкент ш., З. Кобилов кўч., 19. Тел./факс 142-12-02 тел: 103-04-30, 343-52-38. E-mail: grana-altay@bk.ru

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН



замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Ҳарбий базада портлаш

АҚШнинг Ироқдаги қўшинлари қўмондонлиги вакилининг расман билдиришича, Дияла музофотидаги ҳарбий базада автомобиль портлаши оқибатида тўққиз нафар америкалик аскар ҳалок бўлган, 20 нафар аскар турли даражада жароҳатланган. Хабар берилишича, ушбу ҳудудда жангарилар билан отишмалар тез-тез бўлиб турибди. Охирги икки ой мобайнида террорчилар мазкур базага икки маротаба ҳужум қилган.

Яна қўшимча жазо чоралари

Европа Иттифоқи мамлакатлари ташқи ишлари вазирларининг Люксембургда бўлиб ўтган учрашувида Эронга нисбатан қўшимча жазо чораларини қўллаш тўғрисида бир қарорга келинди. Ушбу ҳужжатга кўра, эронлик бир қатор расмий шахсларнинг банкдаги ҳисоб-рақамларини музлатиш ва уларнинг ЕИ мамлакатларига кириши тақиқланган.



Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинежад Оқ уй раҳбари Жорж Буш билан маълум шартлар асосида яккама-якка музокаралар ўтказишга тайёр эканлигини билдирди. У музокараларда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишини хоҳлаяпти.

Икки йирик банк бирлашди

Голландиянинг «ABN Amro Holding N.V.» ва Буюк Британиянинг «Barclays Plc» банклари қўшиладиган бўлди. Ушбу воқеа дунёдаги энг йирик банкларнинг бирлашиши, дея эътироф этилмоқда. Янгидан ташкил этиладиган банкнинг бозордаги қиймати 175 миллиард долларга баҳоланяпти. «Bloomberg» журналида икки томонлама имзоланган шартноманинг қиймати 91 миллиард доллар эканлиги айтилмоқда. Эндиликда мазкур банкнинг номи «Barclays Plc» деб аталади.

Келишувга эришилмади

Еврокомиссия ва расмий Москва Россияга Польшадан гўшт маҳсулотларини импорт қилишни қайта тиклаш юзасидан бир келишувга эриша олмади. Еврокомиссия аъзоси Маркос Киприану ҳали музокаралар давом этишини билдирди. Унинг қайд этишича, ушбу масалада икки томонлама тузилган экспертлар гуруҳи иш олиб бормоқда.

Товон тўланади

«Airbus» самолётсозлик корпорацияси «А-380» лайнерларини етказиб бериш кечикиб кетганлиги туфайли «Malaysia Airlines» компаниясига компенсация тўлайдиган бўлди. Ҳозирча компенсация миқдори аниқ эмас, бироқ бу масалада музокаралар ўтказилмоқда. «Malaysia Airlines» ҳам бу маълумотни тасдиқлади.

«Airbus» узоқ масофага учувчи дунёдаги энг катта самолётни яратиш учун деярли 10 миллиард доллар сарфлади. Аслида «А-380» лайнери бундан икки йил олдин ишлаб чиқарилиши керак эди. Бироқ турли техник қийинчиликлар туфайли самолётларни етказиб бериш муддати бир неча марта кечиктирилди.

Бозорда ёнғин

Киевдаги метро бекатларидан бирининг ёнида жойлашган кийим-кечак бозорида кучли ёнғин содир бўлди. Ўт ўчириш ходимларининг барча саъй-ҳаракатларига қарамасдан, «тилсиз ёв» бир зумда 800 квадрат метрни қоплаб олди. Натижада метро бекатининг кириш-чиқиш йўли бекилиб қолди. Қисқа муддатда метродан йўловчилар эвакуация қилинди.

Сўнгги маълумотларга кўра, ёнғин бартараф этилган. Ҳозирда ёнғин сабаблари ўрганилаяпти.

Фавқулодда қўниш

«Olympic Airlines» авиакомпаниясига қарашли самолёт теракт хавфи борлиги учун кутилмаганда Мюнхен аэропортига қўнди. Мазкур самолёт Грециядан Францияга қараб йўл олганди. Номаълум шахс телефон орқали Греция полициясини лайнер бортида бомба борлигидан огоҳлантирган. Маълум қилинган авиақатнов рақами бўлмаса-да, шунга яқин самолётлар парвози дарҳол тўхтатилган.

Самолёт бортида 136 нафар йўловчи бор эди. Бироқ ҳозирча бомба топилгани хусусида бирор хабар тарқатилгани йўқ.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Депозитар тизими қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасининг пойдевори ҳисобланади. Республика акциядорлик тижорат «Ғаллабанк»ининг «Prognoz plyus» қимматли қоғозлар депозитарийси шўъба корхонаси — ана шу тизимнинг бўғинларидан бири.

Мамлакатимизда қимматли қоғозлар депозитарийлари тизими икки хил даражадаги депозитарийлардан иборат. Биринчи даражалиси — бу Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар марказий давлат депозитарийси. 2-даражали депозитарийлар, 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, 37 та бўлиб, улар турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдадир.

Амалдаги қонунчиликда қимматли қоғозларни сақлаш ва уларга эгалик қилиш ҳуқуқлари ҳисобини юритиш билан шуғулланиш депозитар фаолият ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Депозитар фаолиятни акциядорлик жамиятлари акциядорлари реестрини юритиш билан кўшиб олиб боришга, шунингдек, 2-даражали депозитарийларга эса қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари сифатида қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатга олишга рухсат берилган.

«Prognoz plyus» қимматли қоғозлар депозитарийси шўъба корхонаси директори Абдуазим АБДУЛАҲАДОВ билан суҳбатимиз шу хусусда.

Қимматли қоғозлар бозори



Депозитарий

— Абдуазим Абдусамадович, сиз раҳбарлик қилаётган шўъба корхонаси асосан қандай юмушлар билан шуғулланади?

— Дастлаб корхонамиз тегишли лицензия асосида шартномалар тузилган акциядорлик жамиятлари акциядорлари реестрини олиб борган бўлса, кейинчалик депозитар фаолиятни ҳам юрита бошлади.

— Тижорат банкига ўзининг шўъба корхонаси ҳисобланган депозитарий шаклидаги таркибий тизим нима учун керак?

— «Депозитарийларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, банклар қимматли қоғозлар бозорида депозитар фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Айни чоғда улар у ёки бу ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги махсус таркибий бўлинмани ташкил этиши мумкин. Ҳозирги вақтда шўъба корхонаси шаклидаги ўз депозитарийсига эга бўлишнинг аҳамияти, айниқса, катта.

Бу банкка қимматли қоғозлар бозорида амал қилаётган анъаналар ҳақида аниқ ва ишончли ахборотни сақлаш, банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг сифатли ва хавфсиз хизматини таъминлаш, банк акциядорлари реестрини юритиш ва кам сарф-харажат билан депозитар хизмат кўрсатиш имконини беради. Банк ва депозитарийнинг доимий ҳамкорлиги эса ўз акциядорлари ҳамда банк чиқарган қимматли қоғозлар билан ишлаш борасидаги имкониятларни янада кенгайтиради.

— Шўъба корхонаси Ўзбекистондаги депозитарийлар тизимида қандай ўринни эгаллайди? Депозитарийлар ўртасидаги ўзаро рақобат қай даражада?

— «Prognoz plyus» депозитарийси 2-даражали депозитарийдир. Лекин, афсуски, депозитарийлар рейтингини баҳолаш фақат бир марталик ўтказилиб, унинг натижалари «Хусусий мулк» («Банк ведомостлари») газетасининг 2005 йил 42-сонида эълон қилинган. Ўша рейтинг маълумотларига кўра, бизнинг депозитарий 13-ўринни эгаллаган эди. Ҳозир ҳам иккинчи ўнликда муқим турибмиз.

Депозитар хизмат бозоридаги рақобат масаласига келсак, биринчи даражали Марказий депозитарий ҳисобида, 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, 2017 та акциядорлик жамияти бор. Бунда, юқорида айтилган рейтинг баҳосига кўра, «Вақт» миллий депозитарийси етакчилик қилмоқда. Бироқ кейинги йилларда 2-даражали бошқа депозитарийлар ҳам ўзларининг бозордаги улушларини изчил кўпайтириб бормоқдалар. Шунинг ўзиёқ депозитар хизмат бозоридаги рақобат етарли даражада жиддий эканлигидан далолат беради.

— «Prognoz plyus» депозитарийси фаолиятининг кейинги йиллардаги кўрсаткичлари қандай?

— Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги «Хусусий секторнинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, очиқ акциядорлик жамиятларининг устав жамғармалари ўша йилнинг 1 февралидан Марказий банкнинг жамият рўйхатга олинган кундаги эълон қилган курси бўйича 50.000 АҚШ доллари эквивалентига тенг миқдорда бўлиши белгилаб қўйилган. Очиқ акциядорлик жамиятлари устав жамғармаларини 2004 йил 1 январга қадар кўрсатилган миқдорга етказишлари ёки бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги, жумладан, асосан хусусий корхонага айланишлари лозим эди. Шу боис мазкур жараёнда уларнинг сони ҳам, депозитар хизмат бозори ҳажми ҳам анча камайди. Бу эса, ўз навбатида, 2-даражали барча депозитарийларга, жумладан, «Prognoz plyus»га ҳам салбий таъсир кўрсатди. Оқибатда 2004 йилда хизматлар кўрсатиш ҳажми сезиларли даражада қисқарди. Бунга ички муаммоларимиз ҳам сабаб бўлди. Бироқ 2005-2006 йилларга келиб, биз ўз кўрсаткичларимизни қайта тиклашга ва ҳатто анча оширишга эришдик.

— Ички муаммолар ҳақида гапирдингиз. Бу муаммолар нималардан иборат эди?

— Депозитарийимиз фаолиятининг барқарорлиги ва хавфсизлигини анча оширишимиз, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилашимиз зарур эди.

Муассисимиз — республика тижорат акциядорлик «Ғаллабанк»и ушбу муаммоларни ҳал этишга хайрихоҳлик билан қаради. Ва биз 2004-2006 йилларга мўлжалланган бизнес-режага биринчи галдаги вазифалар сифатида хизматлар ҳажми ва иқтисодий кўрсаткичларни юксалтиришни эмас, балки айнан депозитарий фаолиятининг барқарорлиги ва хавфсизлигини оширишга қаратилган тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масаласини киритдик. Вақт тўғри йўл танлаганимизни кўрсатди. Белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши эса корхонамизнинг барқарор ишлашини таъминлади. Муҳими, техник хатолар кескин камайди, қимматли қоғозлар эгалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар, яъни депонентларнинг топшириқлари ўша куннинг ўзида, ўзларининг иштирокида бажарилиши йўлга қўйилди.

— Жорий йилда корхона жамоаси олдига қандай вазифалар қўйилган?

— Вазифалар кўп. Президентимиз 2006 йилда имзолаган «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва «2006-2007 йилларда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш дастури»га кўра, мижозларимизга консультатив хизматлар кўрсатиш, анъанавий хизматлар ҳажмини ва сифатини ошириш, «Элсис-савдо» биржадан ташқари электрон савдо тизими билан ҳамкорлик ва шерикчилик муносабатларини йўлга қўйиш, депозитарийимиз фаолиятининг барқарорлиги ва хавфсизлиги даражасини таъминлаш шулар сирасига киради.

— Президент қарори ва ушбу ҳужжат билан тасдиқланган дастурда Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиши айтилган. Бу депозитарийлар фаолиятига қандай таъсир кўрсатади?

— У қонун институтларининг депозитар, реестрлаш, консультатив фаолиятларни қўшиб олиб боришга оид чеклашларни, инвестициявий воситачи ва қимматли қоғозлар бозоридаги номинал ушловчилар фаолиятини бекор қилишни назарда тутиши билан аҳамиятлидир. Шунингдек, ушбу қонун лойиҳаси тамойилларига қимматли қоғозларга эгалик ҳуқуқини қўшимча ҳисобга олишни бекор қилиш, Марказий депозитарий негизида Марказий регистратор ва иккала даражадаги номинал ушловчилар тизимини ривожлантириш, ахборотларни қимматли қоғозлар бозорининг барча қатнашчилари томонидан биргаликда очиш ҳақидаги мажбурият, илгари чиқарилган барча нақд қимматли қоғозларни нақдсизга айлантириш талаблари киритилган. Янги Қонуннинг қабул қилиниши, албатта, қимматли қоғозлар бозоридаги вазиятни кескин ўзгартиради ва тўпланиб қолган барча масалаларни қонуний ҳал этиш, қонунчиликни мамлакат иқтисодиёти, шу билан бирга, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш даражасини мувофиқлаштириш имконини беради. Буларнинг ҳаммаси депозитарийлар фаолиятига бўлган талабнинг сезиларли даражада ўзгаришига олиб келади.

Айни чоғда дастурга амалдаги тартибга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳам мўлжалланган. Хусусан, акциядорлик жамиятларида Кузатув кенгашлари томонидан тайинланадиган ва ўзларига бўйсунадиган корпоратив маслаҳатчилар лавозимини жорий этиш кўзда тутилган. Уларнинг вазифаси корпоратив қонунларга риоя этилишини назорат қилишдан иборат. Бу корпоратив бошқарув савиясини оширишга қолмай, Кузатув кенгашлари ва ижрочи идораларнинг ўзлари чиқарган ва жойлаштирган қимматли қоғозлар ҳамда ўз акциядорлари билан ишлашга ҳар доим ҳам жиддий эътибор беравермасликлари каби масалалар билан боғлиқ кўплаб муаммоларни ҳал этиш имкониятини яратади.

— Депозитарийингизнинг мижозлари кимлар ва улар билан муносабатларингиз қандай?

— Мижозларимиз қимматли қоғозларини бизда сақлаётган ёки бўлмаса, акциядорлик жамиятлари билан уларнинг акциядорлари реестрини юритиш юзасидан тузилган шартномалар доирасида биз хизмат кўрсатаётган жисмоний ва юридик шахслар; чиқарилган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш, сақлаш ва жамият акциядорлари реестрини юритиш юзасидан шартнома тузилган акциядорлик жамиятлари — қимматли қоғозлар эмитентларидир.

Эмитентлар ва қимматли қоғозлар эгалари билан муносабатлар улар билан тузилган шартномаларга асосланади. Депонентлар — қимматли қоғозлар эгалари, жисмоний ва юридик шахслар учун уларга тегишли қимматли қоғозларни сақлаш бепул. Улар фақат ўзларига тегишли қимматли қоғозлар билан бирор-бир операцияни амалга оширганларидагина ҳақ тўлайдилар. Қимматли қоғозлар эмитенти бўлган акциядорлик жамиятлари депозитар хизмат ҳақини акциядорлик жамиятлари реестрини юритиш юзасидан тузилган шартномага мувофиқ тўлайдилар.

Мижозлар билан боғлиқ муаммолар, биринчи галда, уларнинг реквизитлари ўзгарганда, мулк ҳуқуқи алмашганда, керакли ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этишга етарли эътибор бермасликлари билан боғлиқ. Оқибатда депозитарийнинг ҳисоб регистрига ва акциядорлар реестрига ўзгартишларни ўз вақтида киритишнинг иложи бўлмайди. Бу муаммо қимматли қоғозлар эгаси бўлган ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслар учун, айниқса, долзарбдир.

Қимматли қоғозлар эмитентларига келсак, аксарият акциядорлик жамиятларида Кузатув кенгашлари ва ижрочи органлар чиқарилган қимматли қоғозлар ва ўз акциядорлари билан ишлашга лозим даражада эътибор берадилар. Бунинг учун улар мазкур ишга жавобгар ҳисобланувчи ходимни тайинлайдилар (бир қатор йирик акциядорлик жамиятларида қимматли қоғозлар бўлими бор), улар билан биз доимий ҳамкорлик қиламиз. Бундай ёндашув қимматли қоғозларга оид меъёрий ҳужжатлар ва корпоратив бошқарув тамойилларини бузганлик учун санкция кўринишидаги кўплаб жанжалли вазиятлар ва нокерак йўқотишлардан сақланиш имконини беради.

Афсуски, бунинг тескариси бўлган ҳолатлар ҳам учраб туради. Чунончи, акциядорлик жамияти раҳбарияти оддий ҳақиқатни, яъни штат таркибида шу йўналишдаги ишларга жавоб берадиган ва ўз вазифасини ҳалол бажарадиган лавозим эгасининг бўлиши худди малакали бош ҳисобчи каби зарур эканлигини тушунмайдилар ёки англашни истамайдилар.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, депозитарий амалда қимматли қоғозлар эгалари ва эмитентларнинг ҳуқуқларини судгача ҳимоялаш тизими ҳисобланади. Бирор-бир тушунмовчилик, баҳсли масала ёки жанжал туфайли улар бизга мурожаат қилишса, уни ҳал этиш учун кўпинча уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини тушунтириб қўйишнинг ўзи кифоя қилади.

Такрор айтаман: кўпчилик мижозларимиз билан муносабатларимиз ўзаро ҳурмат, ишонч ва шерикчилик асосига қурилган. Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозори ривожлангани сайин мижозларимиз ҳам кўпайиб, уларнинг ўз мулклари бўлган қимматли қоғозларга муносабатлари ўзгариб бораверади. Улар манфаатдорлик билан депозитарийга янада кўпроқ маблағ қўйишга интилаверадилар. Бу маблағлар эса уларнинг ўзларига ҳам, иқтисодиётимиз ривожига ҳам хизмат қилаверади.

Сергей ВАЛАНДИН суҳбатлашди.

Кейинги йилларда Самарқанд вилоятидаги пахта тозалаш корхоналари, уруғлик чигит тайёрлаш цехларининг аксарияти қайта қурилди, янги ускуналар билан жиҳозланди. Натижада маҳсулот сифати янада яхшиланиб, экспорт салоҳияти ошди. Масалан, вилоят «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тизимидаги 9 та пахта тозалаш корхонаси 2006 йилда хўжаликлар ва фермерлардан 255,6 минг тонна пахта хомашёсини қабул қилиб олган эди. Ҳозиргача унинг 218 минг тоннаси қайта ишланиб, 72 минг тонна пахта толаси, 5 минг тоннадан ортиқ момиқ, 114 минг тоннага яқин чигит ва бошқа маҳсулотлар тайёрланди.

Модернизациялаш самараси

КОРХОНА ЯНГИЛАНДИ — ИМКОНИЯТ КЕНГАЙДИ

«Жаҳон пахта бозорларида ўзбек пахта толаси доимо харидоргир бўлиб келмоқда. Буни икки йилдан бери Тошкент шаҳрида ўтказилаётган Халқаро пахта ярмаркаси натижалари ҳам яққол тасдиқлаб турибди», — деб таъкидлади Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида. Дарҳақиқат, ўтган йили биргина Самарқанд вилояти пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилган 88 минг 441 тонна пахта толасининг 67,5 фоизи экспорт қилингани ҳам шундан далолат беради.

— Пахтачиликнинг иқтисодиётимиз ривожида қанчалик муҳимлиги барчага маълум, — дейди вилоят «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси бошқаруви раиси Нормурод Омонов. — Шу боис бу тармоқ доимо ҳукуматимизнинг диққат-эътиборида. Айниқса, кейинги йилларда пахтани қайта ишлаш корхоналарини янгилаш, жиҳозлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2005 йилда Оқдарёдаги Янгиқўрғон пахта тозалаш корхонасининг қайта қурилиши унинг ишлаб чиқариш имкониятларини ҳар жиҳатдан кенгайтирди. Замонавий цехлар энг янги ускуналар билан жиҳозланди. Ишчи-хизматчиларга қулайликлар яратилди. Корхона бош биносида муҳандис-техник ходимлар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилди.

Давр талабига мос келмай қолган Митан пахта тозалаш заводида ҳам ана шундай бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Яъни корхона тўлиқ реконструкция қилиниб, қайта қурилди. Қуритиш-тозалаш цехига янги технологиялар ўрнатилди. «Меҳнат» русумли пахта хомашёсини ифлосликлардан тозалайдиган машиналар ҳамда янги пахта тозалаш линияси шулар жумласидандир. Бу эса тайёрланаётган маҳсулот сифатининг кескин ўзгаришига сабаб бўлди. Мисол учун, корхона модернизация қилингунга қадар ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати 68 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 95 фоизга кўтарилди.

Челак, Зиёвуддин, Жомбой пахта тозалаш корхоналари қиёфаси ҳам ўзгача чирой очди. Катта ҳажмда реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилгани, янги ускуналарнинг келтирилиши, ишчи-хизматчилар учун етарли шарт-шароит яратилиши эса бу корхоналарда жиддий ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлди.

Вилоятда пахта уруғчилигига эътибор ҳам йилдан-йилга кучайиб бораяпти. Хусусан, 2005 йилда Зирабулоқ пахта тозалаш корхонаси тизимидаги «Иттифоқ» пахта тайёрлаш маскани қошида янги пахта уруғлик чигити тайёрлаш цехи қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Унга Испаниядан келтирилган замонавий ускуналар ўрнатилди. Жума пахта тозалаш корхонасига қарашли Мели Қўчқоров номли пахта тайёрлаш маскани ва Митан пахта тозалаш корхонаси ҳудудида ҳам замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган шундай цехлар барпо этилди.

Ҳозирга келиб, 2007 йил ҳосили учун вилоят «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тизимидаги корхоналарда 16103 тонна «Оқдарё-6», «Омад» ва «Бухоро-102» навли ғўзаларнинг сара уруғи тайёрлаб қўйилди.

Айтиш жоизки, хомашё сифатининг ошганлиги, энг аввало, унинг харидоргирлигини таъминлаб, даромаднинг кўпайишига хизмат қилмоқда. Бирлашма бўйича 2005 йилда 1423544000 сўм соф фойда олинган бўлса, 2006 йил якунлари бўйича бу рақам 2202000000 сўмни ташкил этгани бунинг исботидир.

Ана шу фойданинг маълум қисми биринчи галда фермерларга қўшимча ҳақ сифатида берилмоқда. Айтайлик, 2005 йилда 553 миллион 385 минг сўм маблағ фермерлар ҳисоб рақамларига ўтказилган бўлса, 2006 йил якунлари эса бу кўрсаткичнинг янада ошганини тасдиқлайди.

Бирлашма ва унинг тизимидаги корхоналарнинг саховатпешалиги ҳам кўнгилларга нур бахш этади. Ишчи-хизматчиларнинг санаторийларда дам олишини ташкил этиш, уларга барча имкониятларни яратиб бериш, кам таъминланган оилалар, ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш, қариялар ва саховат уйлари, таълим, тиббиёт, спорт ва бошқа соҳаларга ҳомийлик қилиш борасида ўтган йили сезиларли ишлар амалга оширилди. Айниқса, Пастдарғом туманида 300 ўринли янги мактаб биноси қурилгани эътиборга моликдир.

«Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури бўйича бажариладиган ишлар ҳам аллақачон режалаштириб олинган. Яқинда «Меҳрибонлик» уйларида тарбияланаётган 700 нафар ўғил-қиз байрам дастурхонига чорланди. Шаҳардаги 64-махсус мактабга болалар спортини ривожлантириш учун маблағ ажратилди.

Айни кунларда мавжуд корхоналарда 2006 йил пахта ҳосилини қайта ишлаш жараёни тугалланмоқда. Улуғбек, Жомбой ва Янгиқўрғон пахта тозалаш корхоналарида эса 2007 йил мавсумига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

2007 йил 30 май — ЭЪЛОН! — соат 10.00 да

ВШ-710 «Бухоро — Учқудуқ», икки томондан
ВШ-762 «Тошкент — Навоий», Навоий томондан
ВШ-856 «Бекобод — Ғалаба — Гулистон», икки томондан
ВШ-859 «Нурота — Сайхунобод», икки томондан
ВШ-868 «Оқтош — Навоий», икки томондан
ВШ-879 «Тошкент — Хатирчи», икки томондан
ВШ-888 «Нурота — Самарқанд», икки томондан
ВШ-891 «Навоий — Жўш», икки томондан
ВШ-899 «Бекобод — Боёвут — Гулистон», икки томондан
ВШ-903 «Тошкент — Зафаробод», икки томондан
ВШ-908 «Тошкент — Боёвут», икки томондан
ВШ-912 «Андижон — Кува», икки томондан
ВШ-973 «Пахтаобод — Жиззах», Жиззах томондан
ВШ-975 «Гулистон — Усмат», икки томондан
ВШ-1004 «Усмат — Самарқанд», икки томондан
ВШ-1031 «Ғиждувон — Зафаробод», икки томондан
ВШ-1040 «Урганч — Денов», Урганч томондан
ВШ-1086 «Тошкент — Ангор», Тошкент томондан
ВШ-1093 «Ғузор — Ургут», икки томондан
ВШ-1096 «Тошкент — Гурлан», икки томондан
ВШ-1099 «Қарши — Ургут», икки томондан
ВШ-1101 «Тоиров — Гулистон», икки томондан
ВШ-1088_Т «Беруний — Тошкент», икки томондан
ВШ-1100_ЙТ «Гулбулоқ — Булунғур», икки томондан

шаҳарлараро-вилоятлараро автобус ва йўналишли такси йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади.

Очиқ тендерда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарлараро йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича **идоралараро комиссия.**

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар **идоралараро комиссияга** тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «Турон» АТБдаги 20210000000745005012 махсус ҳ/р (банк коди 00446, ИНН 202811527, ХХТУТ 97300)га 25 минг сўм ўтказиб, 2007 йил 25 майгача буюртма беришлари лозим.

Идоралараро комиссия тендер таклифларини 2007 йил 29 май куни соат 14.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент ш., Усмон Юсупов к., 3-уй, Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги мажлислар зали.

Маълумот учун телефонлар: 142-56-27, 142-18-10.

Ўзбекистон Республикасининг азиз фуқаролари ва меҳмонлари!

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ «ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

САЙЁҲЛИК АГЕНТЛИГИ «БУЮК ИПАК ЙЎЛИ»НИНГ САМАРҚАНД ВА БУХОРО ШАҲАРЛАРИ БЎЙЛАБ ЮҚОРИ ҚУЛАЙЛИКЛАРГА ЭГА БЎЛГАН «SHARQ» ВА «REGISTON» ТЕЗЮРАР ПОЕЗДЛАРИДА САЙЁҲЛИК ТУРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.



Йўл давомида сайёҳларга керакли сервис хизматлари кўрсатилади, ичимликлар, енгил нонушта таклиф этилиб, қўшимча хизматлар тавсия қилинади. Биринчи класс вагонида йўловчилар видеофильм ва видеоклиплар томоша қилишлари, иккинчи класс йўловчилари эса мусиқа ва FM радиосини тинглаб, ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Манзилга етиб борганингизда сизларни кутиб олган юқори малакали гидлар қулай автобусларда тарихий обидалар бўйлаб унутилмас экскурсиялар уюштирадилар.

Шунингдек, сиз миллий таомлардан баҳраманд бўласиз, ёдгорлик совғалари харид қилиб, мароқли ҳордиқ чиқарасиз.

Ўз ходимларини ажойиб дам олиш сафарига юбормоқчи бўлган ташкилот раҳбарлари учун бизнинг агентлигимиз «Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Тошкент» йўналиши бўйича туристик поезд ташкил этиши мумкин.

Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент ш., «Мовароуннаҳр» к., 51-уй (Мўлжал — «Темир йўл кассалари», «Темирйўлчилар» саройи қаршисида).

Тел/факс: 199-71-83, тел.:199-71-66, 136-46-18.
E-mail:rizjdtur@rambler.ru uzjeldpass@mail.ru

Хизматлар лицензияланган

SiRUBA



ПОД ЗАКАЗ ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

184-83-25 184-83-26 142-77-03

Бемор болалар қувончи

Мамлакатимизда юқумли ва асоратли хасталикларга чалинган болалар доимо эътиборда. Яқинда Фарғона вилоятида истиқомат қилаётган 130 нафардан зиёд қанд касаллиги билан оғриган болаларнинг ҳар бирига "Medilite Farma" Ўзбекистон-Россия диабет маркази томонидан қон таркибидаги қанд миқдорини бир зумда аниқлайдиган глюкомерлар совға этилди. Бу асбобларни сотиб олишга вилоятда фаолият кўрсатаётган ўндан ортиқ корхона ва ташкилотлар, фирмалар маблағ ажратишди. Ҳомийлар ҳимматидан бемор болалар ва уларнинг ота-оналари миннатдор бўлишди.

Набижон СОБИР,
"Халқ сўзи" мухбири.

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

2007 ЙИЛДА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ УЧУН ЎҚУВ-ЛАБОРАТОРИЯ ЖИҲОЗЛАРИНИ ЛОТЛАР БЎЙИЧА ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА

ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.



Лот № 1. Тиббиёт асбоб-ускуналари.
Лот № 2. Тикув жиҳозлари ва ўқув-тикув устахонаси махсус мебеллари. Марказий минтақа (Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вил. ва Тошкент шаҳри).
Лот № 3. Тикув жиҳозлари ва ўқув-тикув устахонаси махсус мебеллари. Жанубий Оролбўйи минтақаси (Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро, Навоий, Хоразм вил. ва Қорақалпоғистон Республикаси).
Лот № 4. Мусиқа асбоб-ускуналари (миллий).
Лот № 5. Мусиқа асбоб-ускуналари (эстрада оркестри).
Лот № 6. Спорт тренажёрлари.
Лот № 7. Спорт анжомлари.
Лот № 8. Электрон тир.
Лот № 9. Студия мультимедиаси.
Лот № 10. Ахборот-ресурс марказлари учун компьютер техникаси.
Лот № 11. Компьютер техникаси (Жиззах, Сирдарё, Тошкент вил. ва Тошкент шаҳри).
Лот № 12. Компьютер техникаси (Андижон, Наманган ва Фарғона вил.).
Лот № 13. Компьютер техникаси (Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вил.).
Лот № 14. Компьютер техникаси (Бухоро, Навоий, Хоразм вил. ва Қорақалпоғистон Республикаси).
Лот № 15. Нусха кўчириш аппаратлари. Марказий минтақа (Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вил. ва Тошкент шаҳри).
Лот № 16. Нусха кўчириш аппаратлари. Жанубий Оролбўйи минтақаси (Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро, Навоий, Хоразм вил. ва Қорақалпоғистон Республикаси).
Лот № 17. Телевизорлар.
Лот № 18. Кондиционерлар.

ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ — Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда аванс, кейинги молиялаштириш босқичма-босқич Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ажратиладиган пул маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ:
1, 2, 3, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14-лотлар бўйича — буюртмачи ўқув юртида қуйидаги хизматларни тўлиқ бажариш: транспортда етказиб бериш, монтаж қилиш ва ишга тушириш, 2 та фойдаланувчини қисқа муддат ичида ўқитиш, ўқув юртининг ўзида бир йил давомида кафолатли хизмат кўрсатиш;
4, 5, 6, 7, 15, 16, 17, 18-лотлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази омборигача етказиб бериш.

ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ — олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг 90 кун давомида.

Лойиҳани молиялаштириш буюртмачи — Ўзбекистон Республикаси Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

БУЮРТМАЧИ — Ўзбекистон Республикаси Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази.

ТЕНДЕР КОМИССИЯСИНИНГ ИШЧИ ОРГАНИ — Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ишлаб чиқариш қувватлари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, танловга қўйилган ўқув-лаборатория жиҳозларини етказиб бериш бўйича тажрибага, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга бўлишлари лозим.

Тендер ўтказилгунга қадар тендер комиссияси тендер савдоларида иштирок этмоқчи бўлган талабгорлар учун малака танлови ўтказади.

Талабгорлар тендер комиссиясининг ишчи органига тендер таклифлари билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

- *талабгор (иштирокчи)нинг ўз ишлаб чиқариш базаси (ишлаб чиқарувчилар учун) борлиги ҳақидаги ҳужжатнинг асли ёки унинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
- *Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаларидан талабгор банкротлик арафасида турмаганлигини тасдиқловчи маълумотнома;*
- *рўйхатга олиш давлат органининг талабгор қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши арафасида турмаганлигини тасдиқловчи маълумотнома;*
- *рўйхатга олиш давлат органи томонидан талабгорга юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
- *Давлат солиқ инспекциясининг талабгор бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан қарзи йўқлиги ҳақидаги белгиланган тартибда расмийлаштирилган маълумотномасининг асли, эълон чоп этилган кундан эътиборан тендер иштирокчисининг картотека (К-2) бўйича асосий ва иккиламчи ҳисоблар бўйича қарзи йўқлиги ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган банк томонидан берилган маълумотноманинг асли.*

Тендер савдоларида қатнашиш ва тендер ҳужжатларини сотиб олиш учун тендер комиссияси ишчи органи — Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш лозим: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй, 703-хона. Телефон: 144-12-17.

Тендер ҳужжатлари пакетини буюртмачи махсус ҳисоб рақамига 300 000 (уч юз минг) сўм миқдоридаги қайтарилмайдиган комиссион йиғим пулини ўтказиш йўли билан амалга оширилганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилдан олиш мумкин.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳисоб рақами: 20203000203761981001, «Ипотека» банки, Меҳнат бўлими, МФО 00423, ИНН 202515618, ОКОНХ 92120. Учинчи шахсларнинг тендер ҳужжатлари пакети учун тўловни амалга ошириши тақиқланади.

Тендер таклифлари таклифлар умумий қийматининг 2 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат суммаси ёки банк кафолати билан кафолатланиши лозим. Банк кафолати ҳар бир лот учун алоҳида тақдим этилади. Закалат суммаси ҳар бир лот учун алоҳида буюртмачининг юқорида кўрсатилган махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим.

Тендер таклифлари ишчи орган манзилига 2007 йил 26 май соат 17.00 дан кечикмасдан етказилиши керак.

Малакавий танловни ўтказиш тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги санасидан кейин 15 кун муддат давомида амалга оширилади.

Конвертлар қуйидаги манзилда очилади: Тошкент ш., Бобур к., 55-уй, Ўзбекистон Республикаси Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази биноси. Конвертлар эълон чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин очилади.

LOK Kolor SINTEZ
ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА ТАЙЁРЛАНГАН ЛАК-БЎЁҚ МАТЕРИАЛЛАРИ

ИНТЕРЬЕР УЧУН СУВЛИ ҚОПЛАМАЛАР (девор ва шифтлар учун бўёқ)
ФАСАД УЧУН ҚОПЛАМАЛАР (пропитка, грунтовка, бўёқ)
Универсал АЛКИДЛИ ЭМАЛЬ
Пол учун ЭМАЛЬ
Томлар ва юк вагонлари учун ЭМАЛЬ
Сув ҳавзалари учун БЎЁҚЛАР
Саноат ускуналари, қишлоқ хўжалиги машиналари учун СУВГА ВА КИМЁВИЙ ТАЪСИРЛАРГА ЧИДАМЛИ АКРИЛАТЛИ ҚОПЛАМАЛАР
Металл конструкциялар, локомотивлар, қишлоқ хўжалиги ва йўл машиналари учун ЮҚОРИ АТМОСФЕРА ТАЪСИРЛАРИГА ЧИДАМЛИ АЛКИДУРЕТАНЛИ ҚОПЛАМАЛАР
Йўл чизгилари учун БЎЁҚ
Ёғоч ва бўялган юзалар учун (рангли ва рангсиз) ЛАКЛАР
ҲИМОЯВИЙ ҚОПЛАМАЛАР (турли юзалар учун грунтовка, шпатлёвка)
Шунингдек, АЛКИД СМОЛАСИ (лак-бўёқ саноати учун яримфабрикат лак)

Ушбу маҳсулотларимизни корхонамизнинг қуйидаги манзилда жойлашган ФИРМА ДЎКОНИДАН завод нархида сотиб олишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22.

Маҳсулот сертификатланган

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22.
Тел.: (998 71) 191-47-41, 191-80-94. Факс: (998 71) 191-74-63.
E-mail: lokcolor_uz@mail.ru www.lokkolor.uz

Кўргазма

Олам бола нигоҳида

Олам гўзаллигини ҳеч ким болалардек самимий, беғубор ҳис қилолмаса керак.

Республика Халқ таълими вазирлиги ва республика Ўқувчилар саройи ҳамкорликда ташкил этган "Мен дунёни кўраман" мавзуидаги ёш мусаввирлар кўргазмасида намойиш этилган асарларни томоша қиларкансиз, бунга яна бир бор амин бўласиз. Бир-биридан гўзал рангтасвир асарлари, графика, қоғоз ва турли матоларга ишланган аппликациялар сизни беэътибор қолдирмайди. Ўйлашга, ранглар уйғунлигидан туғилган гўзаллиқдан завқ олишга ундайди. Кўргазмада иштирок этган 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган ёш мусаввирларнинг асарларини томоша қилиб, уларнинг ҳар бири самимият, муҳаббат билан яратилганига гувоҳ бўласиз. Қашқадарёлик 11 ёшли Муродилла Холмуродов рангин бўёқларда воҳанинг гўзал табиати, зилол сувли булоқларини акс эттирган бўлса, норинлик Гулнорахон Абдуллаеванинг рангтасвир асарларида яна бир тонгни кўтаринки кайфиятда қарши олаётган кишилар, лолақизғалдоқдан гилам тўшалган адирлар тасвирланади. Фарғоналик Дилфуза Жўраева эса "2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили" шиори остида "Эъзоздаги қариялар", "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи" сингари туркум суратларни чизган.

Икки кун давом этган анжуман сўнггида нуфузли ҳайъат аъзолари тегишли йўналишлар бўйича жиззахлик Азиз Орзиқулов, бухоролик Санжар Холиқов, самарқандлик Фурқат Баҳриев ва қорақалпоғистонлик Гулноза Йўлдошеваларни ғолиб деб топди. "Энг ёш мусаввир" номинацияси бўйича сирдарёлик Адҳам Шукуров билан хоразмлик Райҳон Кенжаева тақдирланди. Сурхондарёлик Шоҳрух Чориев ва андижонлик Наргиза Мамадалиева эса "Энг яхши танланган мавзу" номинацияси ғолиблари сифатида эътироф этилди. Ғолиб ва совриндорлар Фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

М. ХОЛМАТОВА.

СУРАТЛАРДА: ёш мусаввирларнинг республика танловидан лавҳалар.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Мушоҳада

Яқинда пойтахтимиздаги коллежлардан бирига таклиф қилишди. Бордик. Ўқувчилар билан гурунгимиз алоҳида мавзу. Лекин менинг эътиборимни тортгани шу бўлдики, коллежга кираверишда Президентимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт" деган сўзлари ва у кишининг бахтиёр ёшлар билан тушган суратлари турибди.

СЎЗ КЎРКИ, ҚАЛБ ГАВҲАРИ

Улуғ ватандошларимиз, хорижлик олиму фузалоларнинг ҳикматлари, ҳадиси шарифлардан ҳам намуналар берилганига гувоҳ бўлиб, кўнглим нурдек ёришди. Ҳаяжондан энтикиб кетдим. Юртбошимизнинг ёш авлодга меҳр ва муҳаббатлари беқиёс. Уларнинг пухта билим олишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Биз меҳмон бўлган коллеж сингари минглаб ўқув масканларининг барпо этилиши ҳам ҳукуматимизнинг таълимга эътибори самарасидир, албатта.

Хуллас, ўша куни ўқувчилар ва талабалар орасида олиб борган узоқ йиллик фаолиятимдан чиқарган хулосам яна бўй кўрсатди. Яъни, маънавият тарбиясида ҳикмату ҳадисларнинг ўрни катта эканлигига яна бир карра амин бўлдим, кўнглимда туғилган фикр-мулоҳазаларни қоғозга туширдим.

Президентимиз шундай деганлар: "Танлаган ўз тараққиёт ва ислоҳот йўлимиздан тезкорлик билан илгари силжишга кучли руҳий қувват берадиган миллий маданиятимиз, Шарқ ҳикматшунослигининг ҳаётбахш ва теран булоқларидан баҳраманд бўлиш муҳимдир".

Дарҳақиқат, ҳикмату мақоллар фақатгина сўзнинг эмас, балки дилнинг, умрнинг ҳам кўркидир. Комил инсон, шахс камолоти ҳақида гапирганда, қалб тарбияси деган тушунчага ҳам кўпроқ эътиборимизни қаратишимиз зарур. Зеро, илму маърифатга, зиёга, аввало, қалб ва тафаккур орқали эришилади. Афсуски, шўро даврининг асорати — лоқайдлик, бефарқлик оқибатида ҳикмату ҳадисларга эътиборсизлик билан қарадик. Баъзилар бунга майда-чуйда, кераксиз нарсадай муносабатда бўлгани ҳам бор гап. Аслида эса донишмандларнинг сўзларидан, ҳикмату ҳадислардан тарбиянинг энг таъсирчан усули сифатида кенг фойдаланмоғимиз зарур.

Ғайбуллоҳ ас-Салом "Толибнома" рисоласида талабага мурожаат қилиб ёзади: "Ҳурматли талаба! Ҳадис ва ҳикматларни тез-тез мутолаа қилиб туринг. Ёшлик эҳтиросини ақл, мантиқ кучига бўйсундиринг. Иймонимиз комилки, бу Сиздек навниҳолнинг тўғри, бақувват чинор, сермева дарахт бўлиб ўсишингизга ёрдам беради".

Шу маънода, барча ўқув даргоҳларининг катта фойесига, кўзга кўринларли пештоқларига ҳикматли сўзлар ёзиб қўйилса, фойдадан холи бўлмайди. Шунингдек, таълим муассасаларида деворий бадиий ҳаракатдаги стенд қўйилса, айни муддао бўлур эди. Қани энди, ҳар куни у ердан янги ҳикматлар ўрин олса. Ўйлаймизки, ушбу услуб ёшларни камолотга етаклашга хизмат қилади. Бу асосда "Ким кўп билади?" номли мусобақа ўтказилса янада яхши. Чунки бундай машқларда ёшлар синаладилар, мақол ва ҳикматли сўзларни ўрганишга иштиёқи кучаяди.

Зотан, барча илмларнинг калити — уйғоқ сўзу ҳикматлардадир. Қисқа ифодаланган ўткир фикрлар ҳаётимизни яхшилашга, турли муаммоларни ижобий ҳал қилишга, умримизнинг мазмунли ўтишига хизмат қилади, деб ўйлайман.

Билол АМИНОВ.

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт

ҲАРБИЙ СПОРТЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

15-22 апрель кунлари Украина пойтахти Киев шаҳрида бокс бўйича ҳарбий спортчилар ўртасида ўтказилган VII минтақавий жаҳон чемпионатида Куролли Кучларимиз терма жамоаси 6 та олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронза медали билан 25 давлат вакиллари ичида умумжамоа ҳисобида фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

Бу профессионал боксчинг ўта оғир вазнида WBA йўналиши бўйича жаҳон чемпиони бўлган Руслан Чагаев ютуғи қанчалик табиий эканлиги, ўзбек бокс мактабининг дунёда ўз ўрни борлигини яна бир карра исботлади.

Музаффар ҳарбий спортчиларимиз Тошкент халқаро аэропортида катта тантана билан кутиб олинди. Дарҳақиқат, юртимиз довруғини дунёга таратаётган спортчилар ичида Куролли Кучларимиз вакиллари ҳам кўпчиликни ташкил этади. Президентимиз раҳнамолигида миллий армиямизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, спортни ривожлантиришга берилаётган эътибор ўз самарасини бермоқда. Бунинг натижасида кейинги йилларда ҳарбий спортчиларимиз орасидан бир қатор Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари совриндорлари етишиб чиқди.

Киев рингларида ўтказилган минтақавий жаҳон чемпионатида катта лейтенант Дилшод Маҳмудов (69 кг.), шартнома бўйича оддий аскарлар Тўлашбой Дониёров (54 кг.), Бекзод Хидиров (60 кг.), МҲСК (Марказий ҳарбий спорт клуби) спорт фаоллари Аббос Атоев (81 кг.), Абдуғафур Умаров (57 кг.) ва Элёр Ғуломов (91 кг.)лар барча рақибларини енгиб, олтин медалларга сазовор бўлдилар. МҲСК спорт фаоллари Сардор Абдуллаев (+91кг), Рафиқ Султонов (48 кг.) кумуш, Жаҳонгир Сувонқулов (64 кг.) эса бронза медали соҳиби бўлди.

— Албатта, спортда ҳеч бир ғалабага осонликча эришилмайди, — дейди олтин медаль соҳиби Дилшод Маҳмудов. — Бор имкониятимизни ишга солиб ҳаракат қилдик. Натижада, Ватанимизга ёруғ юз билан қайтдик.

ТОШКЕНТДАГИ ҒАЛАБА БЕРЛИНДА ТАКРОРЛАНДИ

Бу хушхабарни газета саҳифаланаётган пайтда олдик. 14-24 апрель кунлари Германиянинг Берлин шаҳрида 64 катакли шашка бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида бухоролик 12 ёшли халқаро тоифадаги спорт устаси (FMJD) Саидқосим Алиев олтин медални қўлга киритди. Гулсум Алиева кумуш медаль соҳибаси бўлди. Яна бир вакилимиз Нурали Раҳматов бешинчи ўрин билан кифояланди.

Эсингизда бўлса, апрель ойи бошида Тошкентда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида фахрли биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпионатидан ҳам медаллар шодаси билан қайтишга ваъда беришган эди.

Эслатиб ўтамиз, жаҳон чемпионатида ўттизга яқин мамлакат спортчилари биринчилик учун курашди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.
Камолиддин ТЎРАЕВ олган сурат.

Ўқидингизми?

СЕРҚИРРА ИЖОДКОР ЁДИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғуломнинг номи барчамизга яхши таниш. Чунки у шоир, адиб, публицист, драматург, таржимон, жамоат арбоби, сухандон ва меҳрибон ношир сифатида ном қозонган эди.

Унинг «Машъал», «Феруза», «Бинафша атри», «Мангулик» каби романлари, «Қитъалар уйғоқ» балладалар туркуми, «Лолакўл», «Амазонка қўшиғи» достонлари, забардаст очерк ва мақолалари ўзбек адабий меросига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Айниқса, ўзбекнинг ўзига хос феъл-атвори ва оиласи тасвирланган «Тошболта ошик» драмаси бир неча йиллар давомида Муқимий номли мусиқали драма ва комедия театрида муваффақият билан намойиш этилиб, ҳар биримизнинг қадрдонимизга айланиб улгургани бор гап.

Серқирра ижодкор залворли овози билан шеър ўқиганда даврадаги чайқалиб кетарди. Бу ҳақда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ёзганларини эслаш кифоя: «Мен кечагидек эслайман. Ойбек домланинг тўйлари бўлди. Ҳамид Ғулом Ойбек домланинг халқига мурожаатини, Ватанига миннатдорчилигини, миллатига муҳаббатини, изҳори дилини ажойиб жарангдор овоз билан ўқиб бердилар. Ойбек домла ўзларини тутолмай йиғлагандек бўлдилар.

Залда ўтирганларнинг ҳам, бизларнинг ҳам кўзларимизга ёш келди».

Юқорида Ҳамид Ғуломни меҳрибон ношир, дедик. Дарвоқе, у Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётига директорлик қилган йиллари истеъдодли ёш ижодкорларга алоҳида эътибор билан қараб, асарлари чоп этилишига бош-қош бўлган.

Бағри кенг, баркамол, бебаҳо инсон ва заҳматкаш адиб мустақиллик йилларида ҳам баракали ижод қилди. Юртимизда рўй бераётган улкан ўзгаришлар ва янгиликларга дахлдорлик туйғуси унинг «Мен ҳали кўп йиллар яшашим керак» деган сатрида ўз ифодасини топди. Зеро, у хотирамизда мангудир. Унинг китоблари, гўзал саҳна асарлари ва шиддаткор шеърлари дилкаш ҳамроҳдир, бизга.

Ушбу мўъжаз суҳбатнинг яна давом этишини истасангиз, «Ҳамид Ғулом замондошлари хотирасида» деб номланган китобни, албатта, ўқинг. Адибнинг фарзанди, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Шерзод Ғуломов тўплаб, нашрга тайёрлаган ушбу китоб 2007 йилда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида босмадан чиққан. Китобдан ижодкорнинг дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдларининг у ҳақдаги дил сўзлари, эътирофлари ва эъзозлари жой олган.

Г. ЙЎЛДОШЕВА.

Жиззахда маҳаллалар хотинқизлари ўртасида спортнинг етти тури бўйича спартакиаданинг вилоят босқичи якунланди.

Бекалар майдонда

Унда 300 нафардан зиёд уй бекалари билан биргаликда, лицей, коллеж ва институтларнинг спортсевар ўқитувчи аёллари иштирок этди. Ўзига хос спорт байрамига айланиб кетган мусобақада «Кимёгар», «Олмазор», «Қассоблик» маҳаллалари, педагогика, санъат ва Олимпия заҳиралари коллежлари жамоалари совриндорлар сафидан жой олишди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

MANAGEMENT CONSULTING
Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш
ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 22 000), ISO/IEC 27001, AS 9100 халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш
ISO 9001
Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.
Шунингдек, ҳужжатларнинг электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатилади.
Компания мижозлари:
• «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
• «Муборакнефтгаз» УШК
• «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
• «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОАЖ
• «Rubicon Wireles Communication» ҚК
• «УзДонгВон КО» ҚК
• «UZEXIDE» ҚК
• «АВТООЙНА» ОАЖ
• «ТАТ-Реестр» МЧЖ
• «Vinlad» ИИК ва бошқалар.
Тел.: (+99871) 132-12-55, 136-14-09, 154-66-98.
Факс (+99871) 132-20-83.
e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz
Хизматлар лицензияланган

Российский
Обои линолеум
виниловые
Форма оплаты — любая
Товар сертифицирован
тел. 134-48-11
303-38-77
факс 134-49-58

УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ
«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ
Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобилларини сотади.
ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР
ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШУВЧИ АВТОМАШИНАЛАР
Шунингдек, фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажмли УАЗ-3909, 4x4 MPV: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомашинаси УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН
UAZ Hunter
UAZ Patriot Comfort
UAZ Patriot Classic
UAZ Patriot Limited
Юк ташувчи УАЗ-3303.
Юк ва йўловчи ташиш учун махсус УАЗ-39625.
Қўшимча кабинали УАЗ 39094.
Тел./факс: 149-33-69, 150-20-43. Манзил: Тошкент ш., Беруний к., 83-уй.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилояти мусиқали драма театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Абдураҳмон НАМОЗОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА жамоаси агентлик кутубхоначиси Гулноза Мариповага отаси

Муҳаммаджон УСМОНОВнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси жамоаси компаниянинг Фарғона вилояти филиали директори Алижон Мўминовга укаси

Азимжон МЎМИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ХОАТБ «Алп Жамол банк» жамоаси банк бошқаруви раиси ёрдамчиси Каримжон Набиевга падари бузруквори

Комилжон НАБИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 35442 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 20.50 Топширилди — 22.25 12345